

УДК. 635.

КАРТОШКА ЎСИМЛИГИНИ ИН ВИТРО ШАРОИТИДА АПИКАЛ МЕРИСТЕМАДАН КЎПАЙТИРИШ.

Ибадуллаев Хусниддин Ибадулла ўғли

Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институти
Биотехнология лабораторияси мудири

Аннотация: Уиббу мақолада уруғлик картошка бирламчи авлодини етишириши мақсадида картошка ўсимлигидан апикал меристема ажратиб олиш, уларни стериллаш ва озуқа муҳитига ўтказиш ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: Меристема, апикал, *in vitro*, ҳужайра, дифференция, эксплант, озуқа муҳит.

Уруғлик картошканинг бирламчи бошланғич авлод материалини етишириш учун картошка ўсимлигидан биотехнологик амалиёт усулида апикал меристема ажратиб олиш соғлом материал манбааси ҳисобланади. Апикал меристемадан олинган *in vitro* ўсимлик материаллари кейинги босқичда микрокўпайтириш усуллари орқали кўпайтирилади. Бу усул орқали ўсимликлардан замбуруғ, бактериал ва вирусли инфекциялардан ҳоли бўлган уруғлик материали олиш имконини беради.

Тадқиқот ўтказиш жойи ва услуби. Тадқиқотлар Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти Биотехнология лабораториясида Апикал меристемадан кўпайтирилиб ўрганилди. Олиб борилган тажрибалар картошка нав намуналари биометрик ўлчовлари кўрсатгичларини аниқлашда Б.Ж.Азимов “Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликда тажрибалар ўтказиш методикаси” услугбий қўлланмаларидан фойдаланилди.

Тадқиқот натижалари. Апикал меристема (асосий ва латерал) ўсимлик поясининг учки қисмида жойлашган. Меристемаларнинг бундай жойлашиши онтогенезнинг дастлабки босқичларида аниқланган. Уруғланган тухум бўлиниши пайтида эмбрион (меристема) ҳужайраларидан иборат проэмбрион (про-эмбрион) ҳосил қиласи. Проэмбрион танасининг дифференция жараёнида апикал меристемаларни ҳосил қилувчи меристематик ҳужайра гурухлари бирламчи куртакнинг тепасида ва бирламчи илдизнинг ичида жойлашади. Апикал меристема ўсимлик ривожланишида уларнинг пояси, куртаклари, илдизи ва уларнинг шохланишида энг муҳим маълумотга эга бўлади. Бир дона ҳужайрада ўсимлик ҳақида тўлиқ маълумот бўлиб, ундан етук ўсимлик олинади. Ҳар бир ён куртак ва илдиз ҳам апикал меристемага эгадир. Учки меристема ўсимлик ҳақидаги барча маълумотларни ўзида жамлайди. Ўсимлик материалини олиш мақсадида термотерапия усули қўлланилади. Ўсувчи соғлом эксплантлар олиш апикал меристема усулини кўллаш билан амалга оширилади.

Апикал меристема усули картошка ўсимлигидаги ўсув нуқтасининг 100-200 мкм катталиқдаги эксплант- тўқимасини олиш бўлиб, ажратилган бўлинувчи ҳужайраларнинг апикал зоналаридан ўсимликларни ўстиришга асосланган.

Ўсимликнинг апикал меристемаси униб чиқаётган ниҳоллардан ва яшил новдалардан ажратилади. Яшил ниҳоллардан меристемани ажратиб олиш техник жиҳатдан осонроқ, чунки уларнинг тўқимаси аниқ кўринади. Олинган эксплантлар стериллаш жараёнида стерилловчи эритмалар таъсирига чидамли бўлади. Ўсимликдан апикал меристема олиш учун пояни қуйидаги стерилловчи моддалар билан ишлов берилади:

1. Тимеросаль 0,0005 -0,001 мг/л,
2. Гипохлорид (Na ёки Ca ли тузи) 1-10 % ли эритмаси,
3. Кумуш нитрат (Ag NO₃) 0,001- 0,005 % ва этил спирти 30 -70% ли эритмаси.

Минерал озука муҳитининг таркиби меристемаларни зарур озиқ моддалар билан таъминланиши керак. Картошка ўсимлиги меристемалари ўсиб, ривожланиши учун энг оптималь озука муҳити бу Murasiga-Skoog минерал асосли озука муҳитидир.

Ушбу озука муҳитининг асосий таркибий қисми макро ва микро тузлари, витаминалар, органик моддалар ва ўсув регуляторларидан ташкил топган.

Озука муҳити таркиби макро тузлардан аммоний нитрат, калий нитрат, магний сульфат, калий дифосфат, микро тузларидан эса калий йодид, кобальт хлорид, натрий молибдат ва мис сульфатдан ташкил топган.

Витаминалар гуруҳига пиридоксин (В 6), В1 аскорбин кислотаси, мезоинозитол, никотин кислота (РР), биотин қўшилади. Зарур компонентлар таркибига оз микдорда сахароза ҳамда фитоагар қўшилади.

Аминокислоталар манбаи бўлган казеин гидролизат ва мио-иннозитол меристеманинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Картошка эксплантларининг ўсиши учун pH 5,7 оптималь ҳисобланади. pH даги оғишларни 0,1% n KON ва 0,1 % n HCl қўшиб, оптималь ҳолатга келтириш керак. Картошка меристемалари ўсув даврида кислоталанади.

Озука муҳити таркибига ўсимликнинг ўсиб ривожланишини таъминлаб берадиган ўсиш регуляторлари яъни фитогармонлардан фойдаланиш орқали меристемаларнинг ўсиши сезиларли даражада тезлашади.

Озука муҳитининг муҳим таркибий қисмларидан бўлган ауксин ва цитокинин-хужайраларнинг бўлинишини рағбатлантиради, куртакларнинг дифференциясини тезлаштиришида, баргларнинг ривожланишида, яшил тусга кириши ва илдиз қисмларини ривожланишида асосий стимуляторлар бўлиб ҳисобланади.

Апикал меристемада вирус концентрацияси анча паст бўлади, шунинг учун тўқималар ривожланиш самарадорлиги юқори бўлади. Вируссиз апикал меристемадан олинган ўсимлик, очиқ шароитда ўстирилган ниҳолларга нисбатан ўсиши, ривожланиши жадал бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Апикальные меристемы побега. Справочник химика 21
2. Апикальные меристемы AGROVOC
3. Мурашёв В.В. 2005Г. Морфогенетический цикл апикальных меристем.

Типы онтогенеза побегов.

4. Калашникова Е. Клеточная инженерия растений 2-е издание.
5. Diagram-Quizlet. Меристематические ткани.